

***“Таълим, иқтисодиёт ва туризм соҳаларида
стратегик ислоҳотларни амалга ошириш
муаммолари ва ечимлари” мавзусидаги халқаро
илмий-амалий конференция***

***International Scientific and Practical
conference on “Problems and solutions for implementing
strategic reforms in education, economy and tourism ”***

***Международная научно-практическая
конференция на тему “Проблемы и пути решения
реализации стратегических реформ
в образовании, экономике и туризме”***

МАҚОЛАЛАР ТЎПЛАМИ
CONFERENCE PROCEEDINGS
СБОРНИК СТАТЕЙ



“Таълим, иқтисодиёт ва туризм соҳаларида стратегик ислоҳотларни амалга ошириш муаммолари ва ечимлари” мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция мақолалар тўплами. 2019 йил 20 феврал. -Бухоро: 2019.

Мазкур тўпланда 2019 йил 20 феврал куни Бухоро иқтисодиёт ва банк коллежи ва Бухоро давлат университети Туризм кафедраси билан ҳамкорликда ўтказилган “Таълим, иқтисодиёт ва туризм соҳаларида стратегик ислоҳотларни амалга ошириш муаммолари ва ечимлари” мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференциянинг мақолалари акс эттирилган.

Анжуман тўпламидан Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими, умумтаълим мактаб ўқитувчилари, катта илмий ходим, мустақил тадқиқотчи ва изланувчилар, магистр ва бакалавр талабалари, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ўқувчилари фойдаланишлари мумкин.

Масъул муҳаррирлар:

Б.С.Исомов – Бухоро иқтисодиёт ва банк коллежи, и.ф.н., доцент

С.С.Хўжаев – Бухоро иқтисодиёт ва банк коллежи директори

Д.Ш.Явмутов – Бухоро давлат университети, и.ф.н., доцент

Ташкилий қўмита:

- | | |
|---------------------|---|
| 1. Б.Н. Наврўз-зода | – БухДУ Туризм кафедраси профессори, и.ф.д. |
| 2. А.Т. Жўраев | – БухДУ Туризм факултети декани, и.ф.н., доцент. |
| 3. Ҳ.Р.Ҳамроев | – БухДУ Туризм кафедраси, и.ф.н., доцент. |
| 4. С.У.Тожиева | – БухДУ Туризм кафедраси мудир, и.ф.н., доцент. |
| 5. М.М.Таирова | – БухДУ Иқтисодиёт кафедраси доценти, и.ф.н. |
| 6. М.Ҳ.Қиличов | – БухДУ Халқаро алоқалар бўлими бошлиғи |
| 7. О.К.Хуррамов | – БухДУ Туризм кафедраси катта ўқитувчиси |
| 8. Э.А.Фарманов | – БухДУ Туризм кафедраси ўқитувчиси |
| 9. М.М.Аслонов | – Бухоро иқтисодиёт ва банк коллежи директор ўринбосари |
| 10. Қ.Х.Бобомуродов | – Бухоро иқтисодиёт ва банк коллежи директор ўринбосари |

Мазкур тўпламга киритилган мақолаларнинг мазмуни, ундаги статистик маълумотлар, саналарнинг тўғрилигига ҳамда танқидий фикр-мулоҳазаларга муаллифларнинг шахсан ўзлари масъулдир.

aniq yo`naltirilgan chora-tadbirlarni amalga oshirish maqsadida, quyidagilar asosiy vazifalar etib belgilangan:

➤ Bolalar va yoshlarning huquq va manfaatlarini himoya qilishga, ularni barkamol rivojlantirishning huquqiy asoslarini mustahkamlashga qaratilgan me'yoriy-huquqiy bazani takomillashtirish, amaldagi qonunchilik hamda me'yoriy hujjatlarga zamon talablariga mos o`zgartirish va qo`shimchalar kiritish;

➤ "Sog`lom ona – sog`lom bola" dasturini izchil amalga oshirish asosida sog`lom avlodni voyaga yetkazish borasidagi chora-tadbirlarni yanada kuchaytirish, onalar va bolalarning reproduktiv salomatligini muhofaza qilish tizimini takomillashtirish, profilaktikaga asoslangan sog`liqni saqlash tizimini ustivor rivojlantirish, tibbiy xizmat moddiy-texnika bazasini mustahkamlash, sog`lom bolalar tug`ilishi va ularni tarbiyalash bilan bog`liq masalalar yuzasidan aholi o`rtasida tushuntirish hamda maslahat ishlarini ko`paytirish;

➤ tayyorlanayotgan mutaxassislariga real iqtisodiyot tarmoqlari va sohalaridagi mavjud talabga alohida e`tibor qaratgan holda, o`sib kelayotgan yosh avlodga ta`lim va tarbiya berish sohasidagi moddiy-texnika bazani yanada mustahkamlash, undan oqilona va samarali foydalanishni ta`minlash, davlat ta`lim standartlari, o`quv dasturlari va o`quv-uslubiy adabiyotlarni takomillashtirish;

➤ ta`lim jarayoniga yangi axborot-kommunikatsiya va pedagogik texnologiyalarni, elektron darsliklar, 14 multimedia vositalarini keng joriy etish orqali mamlakatimiz maktablarida, kasbhunar kollejlari, litseylari va oliy o`quv yurtlarida o`qitish sifatini tubdan yaxshilash, ta`lim muassasalarining o`quv-laboratoriya bazasini zamonaviy turdagi o`quv va laboratoriya uskunalari, komp'yuter texnikasi bilan mustahkamlash, shuningdek, o`qituvchilar va murabbiylar mehnatini hamda ma`naviy rag`batlantirish bo`yicha samarali tizimini yanada rivojlantirish; zamonaviy axborot va kommunikatsiya texnologiyalari, raqamli va keng formatli telekommunikatsiya aloqa vositalari hamda Internet tizimini yanada rivojlantirish, ularni har bir oila hayotiga joriy etish va keng o`zlashtirish.

Bugungi kunda yosh avlodni jismonan barkamol etib tarbiyalash, bolalar sportini rivojlantirish sohasida, yoshlarni, ayniqsa, qishloq qizlarini sport bilan muntazam shug`ullanishga keng jalb etish, yangi sport majmualarini, stadionlar va inshootlarni qurish, ularni zamonaviy sport anjomlari va jihozlari bilan ta`minlash, yuqori malakali ustoz va murabbiylar bilan mustahkamlash bo`yicha amalga oshirilayotgan ishlarni izchil kuchaytirish lozim.

Vatanimizda iqtisodiyotni tarkibiy o`zgartirishning muhim yo`nalishi, aholi va o`rta sinf mulkdorlari daromadlarini shakllantirish asosi bo`lgan kichik biznes hamda xususiy tadbirkorlikni rag`batlantirish, bu sohadagi mavjud muammolarni hal etish, yoshlar, avvalambor, kasb-hunar kollejlari va oliy ta`lim muassasalari bitiruvchilarini, ayniqsa, qishloq joylarda tadbirkorlik faoliyatiga keng jalb etish uchun sharoit yaratish dolzarb masala hisoblanadi.

Llm-fanni yanada rivojlantirish, iqtidorli va qobiliyatli yoshlarni ilmiy faoliyatga keng jalb etish, ularning o`z ijodiy va intellektual salohiyatini ro`yobga chiqarishi uchun sharoit yaratishga doir kompleks choratadbirlarni ishlab chiqish; yosh oilalarga g`amxo`rlik qilish ishlarini kuchaytirish, ularni huquqiy va ijtimoiy muhofaza qilishni ta`minlash, jismonan va har tomonlama rivojlangan barkamol avlodni milliy va umuminsoniy qadriyatlar hamda Vatanga muhabbat ruhida tarbiyalash borasida jamiyatning muhim bo`g`ini bo`lgan sog`lom va mustahkam oilani shakllantirish uchun zarur shart-sharoitlarni yaratish barchamizning vazifamizdir.

ХИЗМАТЛАР СОҲАСИДА ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЧИЛИГИНИНГ АҲАМИЯТИ

Тоҳиров Ж.Р., БухДУ, Туризм кафедраси ўқитувчиси

Бозор иқтисодиёти шароитида умум давлат аҳамиятига эга бўлган йирик ижтимоий-иқтисодий лойиҳаларни амалга оширишда муваффақият қозониш мумкин, агар давлат ва бизнеснинг куч-қудратини бирлаштириш эвазига умумий самарани юзага чиқара олинса. Ўзбекистоннинг инновацион ривожланиш йўлида кириб олишида “таълим-илм-ишлаб

чиқариш” учбурчакининг самарали интеграциясини яратиш долзарб масала ҳисобланадики, ушбу муаммони ечишда давлат-хусусий шерикчилик (ДХШ) муносабатлари муҳим аҳамият касб этади. Бугун бизнес таълим соҳасида социал инвестицияларни ривожлантиришга фаол қўмаклашишга мойил бўлиши лозим. Чунки, давлатнинг иқтисодиётдаги улуши тобора қисқариб борган ҳолда, бизнеснинг улуши тенг равишда ошиб боришти. Давлат бюджети барча ижтимоий масалаларни ечиш учун етарли маблағларни ажратишга қурби етмасдан қолади. Бунда бизнеснинг молиявий қўмаки зарур бўлиб қолади. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармонида кўра: Ўзбекистонни 2017-2021 йилларда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг 3.4.бандининг охири хатбошида устувор вазифалардан бири сифатида *давлат-хусусий шериклигини кенгайтириши* деб алоҳида келтириб ўтилган [1].

Айниқса, таълим хизматлар қўламини кенгайтириш ва уларнинг сифатини оширишда бизнес соҳасининг имкониятларидан кенг фойдаланиш жамиятда инсон капиталини ривожланишда жуда ҳам долзарб масала ҳисобланади. Чунки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрдаги ПФ-5544-сонли “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармонида кўра: “Мамлакатнинг халқаро майдондаги рақобатбардошлилиги даражасини ва инновацион жиҳатдан тараққий этганини белгиловчи асосий омил сифатида *инсон капиталини ривожлантириши* Стратегиянинг бош мақсади этиб белгиланди” [2]. *Инсон капиталини ривожлантиришининг муҳим омилини таълим* ташкил этади. Шунингдек, таълим хизматлари сифати таълим муассасаларнинг рақобатбардошлигини баҳолаш мезони ҳисобланади. Бундан келиб чиқиб давлат-хусусий шерикчилмги асосида таълим хизматлари сифатини оширишнинг асосий йўлларини тадқиқ этиш долзарб муаммодир.

Айниқса, энг йирик юқори даромадли ва энг динамик тармоқлардан бири бўлмиш, даромадлилиги бўйича фақат нефт казиб олиш ва қайта ишлашдан кейин турадиган туризм, Бутунжаҳон туристлик ташкилотининг (БТТ) тахлилига кўра сайёрамиз ишлаб чиқариш-сервис бозорининг 10 % ини таъминлайди. Дунё ички миллий маҳсулотининг 6%, жаҳондаги инвестисияларнинг 7%, дунё истеъмол харажатларининг 11 %, бутун солиқ тушумларининг 5–6%, ҳар 16 - ишчи ўрни мана шу меҳмондўстлик соҳасига тўғри келади. Келтирилган рақамлар туризм соҳаси фаолият кўрсатишнинг бевосита самарасини тавсифлайди [3].

Ушбу соҳанинг мамлакатимизда ривожланиши ўз навбатида туризм таълим хизматлари сифати билан боғлиқ деб ҳисоблаймиз. Бу борада юртимизда катта эътибор қаратиб келмоқда.

Бунинг ёрқин мисолини таълимга берилаётган эътиборда кўришимиз мумкин ОТТ (Олий таълим тизими)ни 2017 - 2021 йилларга мўлжалланган комплекс ривожлантириш дастурини амалга ошириш учун йўналтириладиган молиявий маблағлар 1,7 триллион сўмдан зиёд бўлиб, улардан 1,2 триллион сўми ўқув-лаборатория бинолари, спорт заллари ва талабалар тураржойларини реконструкция қилиш ва капитал таъмирлашга, 500 миллиард сўмдан ортиқ маблағ эса ўқув-лаборатория ускуналари, мебел ва инвентар билан таъминлаш, умумий тартибда фойдаланишга мўлжалланган, барча таълим муассасаларига хизмат кўрсатадиган лаборатория комплексларини ташкил этиш ҳамда ахборот-коммуникатсия технологияларини ривожлантиришга сарфланади [4].

Лекин таълим тизими доимо эртанги кун билан яшаши лозимлигини эътиборда тутсак, бу борада қилиниши лозим бўлган ишлар қўламини ниҳоятда кўплиги сезилади. Бундан келиб чиқиб, ОТТ комплекс ривожлантириш дастурини амалга ошириш учун йўналтириладиган молиявий маблағлар кўрсаткичларини икки баробарга ва ҳаттоки унданда кўпроққа ошириш мумкин, агар давлат ва бизнеснинг куч-қудратини бирлаштириш эвазига умумий самарани юзага чиқара олинса.

Юқоридагиларга асосланиб айтиш мумкинки, давлат ва бизнеснинг ўзаро таъсири замонавий бозор иқтисодиёти ривожланишида муҳим асос саналади, чунки давлат-хусусий

шерикчилиги (ДХШ) салоҳиятини муваффақиятли амалга ошириш давлатнинг бизнес билан ўзаро муносабатларга тайёрлигига боғлиқ.

Илмий адабиётларда хорижий ва маҳаллий олимларнинг ДХШни ташкил этиш масалаларини ўрганишга бағишланган кўплаб тадқиқотлари келтирилган. Хусусан, ДХШнинг илмий-назарий хусусиятлари МДХ олимларидан К.А. Антонова, А.А. Алпатов, О.С. Белокрылова, И.Е. Болехов, Б.Г. Варнавский, Е.А. Дынин, Л.И. Ефимова, В.А. Михеев сингари олимларнинг асарлари, Жаҳон банкининг маърузаларида кўриб чиқилган.

Иқтисодчи олим К.А. Антонова “Давлат-хусусий шерикчилиги Россия ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг омили сифатида” номли асарида ДХШни – давлат ва бизнес ўртасида давлат бошқаруви идоралари ва хусусий тузилмалар орасида шартнома асосида амалга оширилувчи институционал ташкилий иттифоқ деб атайди [5].

Шунингдек, В.Г. Варнавский, А.В. Клименко ва В.А. Королев ҳаммуаллифлигидаги “Давлат-хусусий ҳамкорлиги. Назария ва амалиёт” номли ўқув қўлланмасида “ДХШ - давлат ва жамоатчилик мулки объектлари, шунингдек, кенг доирадаги иқтисодий фаолият турларида ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга ошириш мақсадида давлат ва жамоатчилик идоралари, муассаса ва корхоналари томонидан ижро этилувчи ва кўрсатилувчи хизматларга нисбатан давлат ва хусусий сектор ўртасидаги ўзаро таъсирнинг юридик жиҳатдан мустаҳкамланган шаклини намоён этади” деб таъкидлашади [6].

Е.А. Дынин эса “ДХШ – ижтимоий неъматлар яратиш ёки ижтимоий хизматлар кўрсатиш учун узоқ муддатли ва ўзаро фойдали асосда жамият (давлат ёки маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш)нинг моддий ва номоддий ресурсларини бирлаштириш жараёнидир” деб уқтириб ўтади [7].

Давлат ва хусусий шерикчилиги турли халқаро молия ташкилотлари, хорижий ва миллий иқтисодчи олимлар, мутахассислар томонидан ҳар хил талқин этилади. Жумладан, Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти (ИХРТ, ингл. OECD - *Organisation for Economic Co-operation and Development*) ДХШни – ҳукумат ва бир ёки бир нечта хусусий шерикларнинг (ўзаро бажарувчи ёки молиялаштирувчи ташкилот бўлиши мумкин) ўзаро келишуви бўлиб, унга биноан шериклар хизматларни шундай тақдим этилишини таъминлайдики, бунда давлатнинг хизматларни тақдим қилиш ва хусусий инвесторнинг фойда олиш мақсадлари ўзаро муштарақ бўлади ҳамда мазкур алоқанинг самарадорлиги хусусий шерикка рискларни қандай тақсимланганлигига боғлиқ [8].

М.Б. Жерард эса ДХШ – бу хусусий капитални ўзига жалб қилишни ва баъзан эса ижтимоий хизматларнинг сифатини ошириш ёки давлат активларини бошқариш учун давлат капиталини ҳам жалб қилишни уйғунлаштиради деб таъкидлайди [9].

Халқаро Валюта жамғармаси томонидан берилган таърифда эса “ДХШ – давлат томонидан анъанавий тарзда таъминланадиган инфратузилмавий активлар ва хизматларни хусусий сектор томонидан тақдим этишга қаратилган келишувдир” деб таърифланади [10].

Бундан ташқари, илмий ва иқтисодий адабиётларда ДХШнинг давлатнинг ижтимоий объектларга нисбатан айрим бошқарув ваколатларини назарда тутувчи, анъанавий давлат хизматларини бажариш учун хусусий секторни жалб қилувчи, миллий ва халқаро, кенг миқёсли ва маҳаллий, аммо ҳар доим ўта муҳим ва давлат учун ижтимоий аҳамияти юқори лойиҳаларин амалга ошириш бўйича давлат ва бизнес иттифоқи, концессия ва операцион лизингга асосланган, транспорт, кўприк, тоннел, касалхона, мактаб ва бошқа ижтимоий инфратузилмалар учун тузиладиган ҳамкорлик, у ёки бу корхонани ташкил қилишдаги риск ва нафларни тақсимлаш бўйича ўзаро муносабатлар, давлат ташкилот ва хусусий компания ўртасида риск ва даромад, масъулият ва мажбуриятларни тақсимлаш бўйича келишув, давлат манфаатлари йўлида стратегик натижаларга эришиш учун амалга ошириладиган ўрта ва узоқ муддатли давлат-хусусий сектор муносабатлари, ДХШ предмети давлат ва муниципал мулкдан, ҳамда ҳокимият органлари, бюджет сектори томонидан кўрсатиладиган хизматлардан ташкил толувчи давлатнинг хусусий сектор билан кенг иқтисодий фаолият турлари бўйича муносабатлари, хусусийлаштириш мумкин бўлмаган – кўприк, автомобиль магистраль йўллари, труба қувурлари, аэродром, портлари каби стратегик объектларини

давлат мулкида қолдириб, хусусий секторга узоқ муддатли ижарага бериш билан боғлиқ муносабатлар, минтақа учун умумқисодий манфаатларга эришиш ва долзарб вазифаларни ечишга қаратилган муҳим муносабатлар, давлатнинг бизнесга ҳукм ўтказиб, иқтисодиётга чуқур аралашувини эмас, балки у билан ҳамкорликда, лойиҳалар бўйича маслаҳатда ишлашини кўзда тутувчи, давлатнинг иқтисодий сиёсатининг умумий мақсадларига эришиш бўйича муносабатлар каби талқинларини учратишимиз мумкин.

Шундай қилиб, давлат-хусусий шерикчилиги хизматларни кўрсатиш учун хусусий сектор билан амалга оширадиган том маънодаги ўзаро манфаатли алоқаларидир. Ўзбекистоннинг инновацион ривожланиш йўлида кириб олишида “таълим-илм-ишлаб чиқариш” учбурчакининг самарали интеграциясини яратиш долзарб масала ҳисобланадики, ушбу муаммони ечишда давлат-хусусий шерикчилик (ДХШ) муносабатлари муҳим аҳамият касб этади. Бугун бизнес таълим соҳасида социал инвестицияларни ривожлантиришга фаол қўмаклашишга мойил бўлиши лозим. Туризм таълим хизматларини шиддат билан ривожланиши ва таълим сифатини оширишда давлат-хусусий шерикчилиги техника-технологияларни, ишчи кучи ва инвестиция маблағларини жалб этиш учун зарурий шарт-шароитлар яратади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони\ lex.uz.
2. Tuxliyev I.S., Qudratov G'.X., Pardayev M.Q.. Turizmni rejalashtirish. Darslik. «Iqtisodiyot moliya» nashriyoti. Toshkent. 2010. 4-bet.
3. Adizov B. I. The concept of employability and employability skills: changing in demand for graduates employability skills by periods //Теория и практика современной науки. – 2019. – №. 5 (47). – С. 3-12.
4. Khudoykulov K., Khamidov O., Aktamov A. Testing Capital Asset Pricing Model (CAPM) on the Emerging Markets of the Europe //Spanish Journal of Rural Development. – 2015. – Т. 6. – №. 3. – С. 1-8.
5. Bakhtiyorovich D. K., Shuhratovich H. S. An important factor in economic prosperity //World science. – 2016. – Т. 2. – №. 5 (9). – С. 18-21.
6. Sobirov B. B. et al. The role of social media, user generated platforms and. – 2015.
7. Kayumovich K. O., Ablaqulovich I. G., Matlubovich T. O. Role of using global network in sphere of service and tourism //Trends in Economics and Management for 21th Century: inter. conf. – 2012.

E-MAIL MARKETING MOHIYATI VA AHAMIYATI

*Saidova F.K., BuxDU, o`qituvchi
Yodgorov O.Yo., BuxDU, 4-kurs talaba*

E-pochtangizni yuboradigan elektron pochta xizmati provayderi (ESP) -a tizimini tanlashingiz kerak bo'ladi. Agar siz allaqachon mulkni boshqarish tizimi (masalan, Base7Booking) mavjud bo'lsa, ushbu xususiyatning mavjudligini tekshiring. Agar yo'q bo'lsa, u erda tanlov uchun mo'l-ko'l bor. Sizning mehmonxonangizning kattaligiga qaramay, siz birinchi bepul ESPni sinashingizni tavsiya qilamiz. Keyinchalik, ma'lumotlar bazasi va tajribangiz o'sib borishi bilan qo'shimcha funktsiyalarni o'z ichiga olgan tegishli variantlardan ayrimlarini o'rganing. Sizning ehtiyojlaringiz qanaqa bo'lishidan qat'i nazar, siz ularga murojaat qiladigan ESPni topasiz.

Ba'zi mashhur ESP'lardagi asosiy farqlarni solishtirish uchun quyidagi jadvalga qarang. Ularning ko'pchiligi elektron pochta orqali yuborilgan yoki abonentlarga ma'lum miqdorda bepul sinov yoki bepul foydalanishni taklif qilishlarini unutmang. Turli to'lov rejalarini ham ko'rib chiqing.

Narxlarini ESPs xususiyatlari

МУНДАРИЖА / CONTENT / СОДЕРЖАНИЕ

FEATURES OF INCREASING INTERNATIONAL TOURISTS IN UZBEKISTAN <i>Jurayev A.T. Dean of Tourism faculty, Bukhara State University</i>	3
ОСОБЕННОСТИ РАЗВИТИЯ ЮЖНО КОРЕЙСКОЙ ЭКОНОМИКИ <i>Явмутов Д.Ш., БухГУ, к.э.н., доцент</i>	5
L'IMPACT INDIRECT DU TOURISME : UNE ANALYSE ECONOMIQUE <i>TED AFL, par le Professeur François VELLAS Université de Toulouse</i> <i>3ème réunion des Ministres du Tourisme du T20 FRANCE, Paris,</i>	7
ЎЗБЕКИСТОНДА ЕРНИ ХУСУСИЙ МУЛККА АЙЛАНТИРИШ МУАММОЛАРИ <i>Ҳамроев Ҳ.Р., БухДУ, доцент</i>	8
LA NAISSANCE DE L'ENTREPRISE EN OUZBÉKISTAN ET EN RUSSIE <i>Ivan Samson, Université de Versailles Saint-Quentin, Versailles (UVSQ)</i>	10
ТУРИЗМНИНГ БАРҚАРОР ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШ МОДЕЛИ <i>Навруз-Зода Б.Н., БухДУ, профессор, и.ф.д.</i>	11
CRITÈRES THÉORIQUES ET PRATIQUES DE L'INVESTISSEMENT ET DE LA CROISSANCE <i>Alban Richard , Université de Versailles Saint-Quentin, Versailles (UVSQ)</i>	13
ФОРМИРОВАНИЕ НАЦИОНАЛЬНОЙ ИННОВАЦИОННОЙ СИСТЕМЫ РЕСПУБЛИКИ ТАДЖИКИСТАН КАК УСЛОВИЕ ОБЕСПЕЧЕНИЯ МОДЕРНИЗАЦИИ ЭКОНОМИКИ СТРАНЫ <i>Комилов С.Д. Российско-Таджикский славянский университет, Д.Э.Н.</i> <i>Файзуллаев М.К. Докторант Московского государственного университета</i>	16
ИННОВАЦИОН МАРКЕТИНГ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА УЛАРНИ КОРХОНАЛАР ФАОЛИЯТИГА ТАТБИК ЭТИШ МАСАЛАЛАРИ <i>Таирова М.М. БухДУ, Иқтисодиёт кафедраси доценти</i> <i>Қодирова Н., талаба, БухДУ</i>	19
ANALYSE DE LA MISE EN ŒUVRE DES RÉFORMES ÉCONOMIQUES EN OUZBÉKISTAN ET EN RUSSIE <i>Isomov B.S., Collège de boukhara d'économie bancaire</i>	20
MINTAQAVIY MEHMONXONA INDUSTRIYASINI RIVOJLANTIRISHDA KICHIK BIZNESNING O'RNI <i>Tadjiyeva S.U., i.f.n., dotsent</i>	26
KOMPYUTER TARMOQLARIDA AXBOROTLARNI HIMOYALASH <i>Xo'jayev S.S., Buxoro iqtisodiyot va bank kolleji direktori</i>	28
THE EDUCATION SYSTEM OF UZBEKISTAN <i>Lee Pyong Chol, University of Young Lee, Professor</i> <i>Narzиеva D., Bukhara state University Department of economics</i>	31
TA'LIM TEXNOLOGIYALARINI SHAKLLANTIRISHNING ETAKCHI MEKANIZMI SIFATIDA ZAMONAVIY TALABA <i>Otayev Sh., Buxoro iqtisodiyot va bank kolleji</i>	32
ХИЗМАТЛАР СОҲАСИДА ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЧИЛИГИНИНГ АҲАМИЯТИ <i>Тохиров Ж.Р., БухДУ, Туризм кафедраси ўқитувчиси</i>	33
E-MAIL MARKETING MOHIYATI VA AHAMIYATI <i>Saidova F.K., BuxDU, o'qituvchi</i> <i>Yodgorov O.Yo., BuxDU, 4-kurs talaba</i>	36

TA'LIMNI TAKOMILLASHTIRISHDA YANGI O'QITISH USULLARINI JORIY ETISHNING MEXANIZMINI TAKOMILLASHTIRISH <i>Qutliyeva M.G., Buxoro iqtisodiyot va bank kolleji</i>	39
PEDAGOGIK MAHORAT AMALIY VA NAZARIY ASOSLARI <i>Aslonov M.M., Buxoro iqtisodiyot va bank kolleji direktori</i>	41
KICHIK BIZNES VA TADBIRKORLIKDA MARKETING TADBIRLARINING AHAMIYATI <i>Sulaymonova G.X., BuxDU, o'qituvchi</i> <i>Andayev J.J., BuxDU, 4-kurs talaba</i>	43
BANK MARKETINGI MOHIYATI VA ZARURLIGI <i>Atamuradova N., Buxoro iqtisodiyot va bank kolleji</i>	46
РОЛЬ ТУРИЗМА В ЭКОНОМИКЕ СТРАНЫ <i>Умеджанова М., Бухарский колледж экономики и банка</i>	48
АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ ХИЗМАТЛАРИ БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИНГ МУАММОЛАРИ <i>Одилова Ф., Бухоро иқтисодиёт ва банк коллежи</i>	49
TA'LIM TIZIMIDA ISLOHOTLAR STRATEGIYASINING AMALGA OSHIRISH MUAMMOLARI <i>Norova X., Toshkent Texnika Universiteti</i>	51
ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ЭКОЛОГИЧЕСКИХ И ПРИРОДНЫХ РЕСУРСОВ В ТУРИЗМЕ ДЛЯ РАЗВИТИЯ ЭКОНОМИЧЕСКОГО ПОТЕНЦИАЛА БУХАРСКОГО РЕГИОНА <i>Азимов О.Х. - преподаватель, БухГУ</i>	52
БОЛА ТАРБИЯСИДА БОҒЧА ВА ОИЛА ҲАМКОРЛИГИНИНГ МОҲИЯТИ <i>Алқарова Ф., Т.Н. Кори Ниёзий номидаги Ўзбекистон педагогика фанлари илмий тадқиқот институти</i>	54
РАЗВИТИЕ СИСТЕМЫ ОБРАЗОВАНИЯ УЗБЕКИСТАНА <i>Ходжаева Р.Х., Бухарский академический лицей</i>	55
ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ МОҲИЯТИ ВА АСОСИЙ БЕЛГИЛАРИ <i>Болтаев Ш.Ш., БухДУ, Иқтисод кафедраси, катта ўқитувчиси</i>	57
BANKLARDA MARKETINGNI TASHKIL ETISH VA XIZMAT TURLARINI TAKOMILLASHTIRISH <i>Axmedova Yu. Buxoro iqtisodiyot va bank kolleji</i>	58
КИЧИК БИЗНЕС ВА ТАДБИРКОРЛИК СОҲАСИДА МЕНЕЖМЕНТНИНГ САМАРАЛИЙ УСУЛЛАРИНИ ҚЎЛЛАШНИНГ АҲАМИЯТИ <i>Истамов А.А., БухДУ, 4-курс талаба</i>	59
РАҚОБАТНИНГ МОҲИЯТИ, ШАКЛЛАРИ ВА УСУЛЛАРИ <i>Дилмонов Қ.Б., БухДУ, катта ўқитувчи</i> <i>Шукуриллоев М.Ғ., БухДУ, 4-курс талаба</i>	62
MENEJMENTNING MUMTOZ STRATEGIC YO'NALISHLARI VA ULARDAN SAMARALIY FOYDALANISH <i>Zoxidova U., Buxoro iqtisodiyot va bank kolleji</i>	66
“TALAB, TAKLIF VA BOZOR MUVOZANATI” MAVZUSINI O'QITISHDA GRAFIKLI ORGANAYZERLARDAN FOYDALANISH IMKONIYATLARI <i>Toxirov J.R., o'qituvchi,</i> <i>Abdulahadov Jahongir talaba, BuxDU</i>	67
INNOVATION MENEJMENTI ASOSLARINING SHAKLLANISHII VA TARIXIY AHAMIYATI <i>Nazarova M., Buxoro iqtisodiyot va bank kolleji</i>	70